## Эҳтиром



Неъмат Аминов (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин), Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуровларни ўзига устоз санади, уларнинг иззат-ҳурматини қойилмақом қилиб жойига қўйди; улар ҳақида эсда қоларли, таъсирчан мақолалар ёзди ва ёзмоқда.



# ҚАЛАМИДА ЖУРЪАТ БОР

### ёзувчи ва публицист Ашурали ЖЎРАЕВ қиёфасига чизгилар

**1.** Журналистнинг ихтисослашуви ҳақида гап кетганда, қаламкашнинг бирор соҳани пухтароқ билиши, ёзганлари ҳам билими, малакасига яраша салмоқли бўлиши назарда тутилади. Аммо устасига бари бир дегандек, истисно ҳоллар ҳам учрайди. Адабиётда устоз Асқад Мухтор каби ҳам назм, ҳам насрда бирдек омадли қалам сурган ижодкорлар бўлганидек, журналистикада ҳам турли мавзуларда самарали ижод қилган қаламкашлар бор.

Таниқли ёзувчи ва публицист Ашурали Жўраев шундай ижодкорлардан. У ўқувчилик давридаёқ илк бор қўлига қалам олиб, ўз юрти Кармана, она қишлоғи Жалойир билан боғлиқ долзарб муаммоларни матбуот саҳифаларига олиб чиқди. Ушбу мавзуга бир умр содиқ қолди. "Жалойирдан мактублар" публицистик қиссаси Иброҳим Ғафуров эътироф этганидек, журналистикада янгилик бўлди.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, "Жалойирдан мактублар" асарида кўтарилган айрим оғриқли ва долзарб муаммолар, ҳаётий масалалар ҳали-ҳамон ўз ечимини кутиб турибди. Демак, ёзувчи халқнинг дардини айта олган, одамларнинг дилида турган долзарб муаммоларни қоғозга туширган.

**2.** А.Жўраев публицистикасининг иккинчи муҳим қирраси — санъат мавзуси ва санъат журналистикасидир.

Эсимда, камина Ашурали билан бир вақтда устоз Одил Ёқубов муҳаррир бўлган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида иш бошлаган, Ашурали санъат бўлимида, камина "Шум боланинг чойхонаси"да мутасадди эдик. Газета Ашурали учун яхши мактаб бўлди. Қалами чархланди. Санъат соҳасини анча мукаммал ўрганди. Саъй-ҳаракатлари, изланишлари зое кетмади. Газетанинг санъат бўлими нуфузи ошди. Санъат ва маданият муассасалари ушбу бўлим билан ҳисоблашадиган даражага етди.

Сир эмас, оддий томошабин, мухлис санъаткорнинг санъатидан баҳоликудрат баҳраманд бўлиб, завқланса ҳам, санъаткорнинг ички дунёси, ижодхонасидан кўпинча бехабар қолаверади. А.Жўраев Мукаррама Турғунбоева, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Аброр Ҳидоятов, Баҳодир Жалолов, Ботир Зокиров, Ҳасан Ражабий ҳақидаги ихтиросли мақола ва эсселарида эл суйган бу санъаткорларни мухлислар учун гўё қайтадан кашф этгандек бўлади. Ёзувчи ушбу мавзудаги изланишларини бир зум ҳам тўхтатмайди. Машҳур санъаткор, ўзбек миллий эстрада қўшиқчилик санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳақида ёзган китоби ва мақолалари тилга тушди. Ёзувчи яқинда бетакрор санъаткор Ботир Зокировга бағишланган "Юрак бўронлари" роман-эссесини ёзиб тамомлади.

**3.** Ашурали изланувчан, заҳматкаш адиб. У гоҳо анъавий шаклу шамойиллардан воз кечгандек бўлади, янгичароқ, таъсирчан ифода усулларини қидиради ва баъзан бунга муяссар ҳам бўлади. Масалан, унинг устоз Иброҳим Ғафуров ҳақида ёзган "Фикр гуллари" эссеси шундай ижодий изланиш маҳсулидир.

**4.** Ижодкорда истеъдод бўлгани билан, журъат етишмаса, "Бу нарсани ёзиб қўйиб, бошимга бало орттириб нима қиламан?" деб юраверса ҳам иш битмайди. А.Жўраев ижодига хос муҳим фазилатлардан яна бири дадиллик ва журъат! Унинг ўша тилга тушган "Жалойирдан мактублар" асаридан тортиб, ўзбек киносининг муаммолари ҳақида куюнчаклик билан ёзган қатор мақолалари айни чоғда дадиллик, журъат маҳсули ҳамдир. Сир эмас, айрим журналистлар амалдор (Бош муҳаррир!) бўлгач, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган, эҳтиёткор бўлиб қоладилар. Не бахтки, Ашурали Жўраев "Муштум" журнали ва "Афанди" газетасига муҳаррир бўлгач, журъатига журъат қўшилди. Айни чоғда масъулиятни ҳам унутмади. "Ижодкорнинг қалам ушлаган бармоқларидан ҳеч қачон ҳалоллик ва жасорат муҳри ўчиб кетмасин. Шунда унинг иймони бутун бўлади. Ҳақиқатни ёзишга интилади", дейди у.

**5.** А. Жўраевнинг учинчи муҳим қирраси — ҳажвиёт, сатира ва юмордир. Ушбу қийин жанрга мойиллик илк машқларини устози Неъмат Аминовга кўрсатиб юрган кезларидаёқ сезилганди. Жиддий, мағзи тўқ ҳикоялар ("Кўзмунчоқ", "Ажабсанда" каби) билан бир қаторда ҳажвиялар, ҳангомалар ҳам ёза бошлади. "Муштум" ва "Афанди"га ишга ўтгач, бу иш унинг кундалик машғулотига айланди. Ҳажвиётнинг нони қаттиқ бўлишига амин бўлди. Пешонаси ғурра бўлиб, емаган сомсага пул тўлаганида, алами ошса ҳам, бу соҳа чидаганга чиқарган, дея тишини тишига босди. Шундай кезларда у кулгининг моҳияти, ижтимоий аҳамияти ҳақида анча жиддий мулоҳаза юритадиган бўлди. Натижада, адабий муҳитда анча машҳур бўлиб кетган "Ҳазил қилсам майлими, ака?" деган иборани кашф этди!..

**6.** Устозларига меҳру ихлоси баланд, садоқатли шогирд. Озод Шарафиддинов, Неъмат Аминов (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин), Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуровларни ўзига устоз санади...

**7.** Ашурали Жўраев ниҳоятда ташкилотчи (айниқса, қалам аҳлида кам учрайдиган фазилат), куйди-пишди, жонкуяр йигит. Ҳар йили ўтказиладиган қизиқчиларнинг республика кўрик-танловини ўтказишда бош-қош бўлиб, ҳайъатга раҳбарлик қилади. Янги истеъдодларнинг кашф этилишидан астойдил қувонади. Дарвоқе, машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг янада машҳур бўлиб, эл-юртга танилишида Ашурали Жўраевнинг салмоқли ҳиссаси бор. Ҳ.Тожибоев ҳақидаги мақола суҳбатлар ва "Танимадинг-а" китоби бунинг исботидир.

Шунингдек, А.Жўраев Юнусободдаги Ёзувчилар уйининг оқсоқоли. Маҳаллада жамики тадбир, тўй-маъракаларда бош-қош, ташкилотчи.

**8.** Гурунги дилтортар, ҳазил-мутойибага мойил. Ҳар қандай даврани гуллатади. Шу боис дўстлари, ёру биродарлари атрофида парвона. Бу ҳам инсоннинг оддий бахти, албатта.

**9.** Ашуралининг ёш, хушрўй чеҳрасини кўрган киши "Бир йигит қирқ йилда бино бўлади" нақлини андак таҳрир қилиб, "Бир йигит эллик йилда бино бўлади, дейиш керак аслида", деган фикрга боради.

Энди гапни мухтасар қилиб айтсам, ярим асрлик ёшини қарши олаётган укажоним Ашурали! Бундан буёғига ҳам "Ҳазил қилсам майлими?", деб иккиланиб ўтирмай, бемалол ҳазил қилаверинг! Сизга рухсат! ("Муштум" ва "Афанди"да ишлаганингиз учунгина эмас!) Негаки, Сизнинг ҳазилингиз ҳамиша ўринли, мароқли, завқли ва муҳими маъноли!

Яна узоқ йиллар ҳазил қилиб, мухлисларни кулдириб, кулиб юраверинг.

Донолар айтганидек, дунёда ҳеч нарса одамларни беозор кулгидек бир-бирига яқинлаштиролмайди. Мураккаб замонимизда бу жуда муҳимдир. Янада мухтасар қилиб айтсам, дунёни кулги ҳам қутқариши мумкин!

Сиз ана шу эзгу, хайрли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган бахтли ёзувчисиз!

Қулоғингизга шивирлаб қўядиган бир муҳим гапимни яна эллик йилдан кейин айтаман. Унгача соғ-омон бўлинг!

**Шодмон ОТАБЕК**

## Маърифат

# «ТУРОН» ЯНГИ САРОЙГА КЎЧАДИ!

«ТУРОН» кутубхонаси 93 йиллик тарихга эга бўлган қутлуғ маскан, маърифат ва маънавият ўчоғидир. У 1913 йилда Тошкент жадидларининг «Турон» номли маърифат жамияти томонидан ташкил этилган. Бу жамиятнинг асосчиси машҳур маърифатпарвар, шоир, драматург ва журналист Абдулла Авлоний (1878-1934) эди.

Мунаввар Қори Абдурашидов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Юсуф Алиев сингари машҳур ёзувчи ва шоирлар ҳамда бошқа зиёлилар ўз шахсий китобларини инъом этиб ва пул маблағи эҳсон қилиб кутубхонанинг китоб фондини яратдилар.

1915 йилдан бошлаб кутубхона, Россия, Туркия ва бошқа қўшни мамлакатлардан обуна бўлиш йўли билан газета ва журналлар ола бошлади. 1917 йилга келиб Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига оид энг нодир китоблар билан кутубхона бут ва тўкис қилиб қўйилди. 1923 йилда оренбурглик олим Аҳмад Исҳоқов ўзининг араб, форс ва турк тилларидаги 5 минг нусха китобини кутубхонага совға қилди. Шу тариқа «Турон» 20-йилларнинг ўрталарида жаҳонга номи таралган обрўли маданият ўчоғига айланган эди. Афсуски, ўзбек алифбоси ўзгаргандан кейинги қатағон замонларида, сталинчи каллаварам тўнкалар араб алифбосидаги китоблар гўё ҳаммаси диний тарғибот қилувчи асарлар деб, барча тарихий-илмий адабиётларга қўшиб жадидлар адабиёти намуналарини ҳам истеъмолдан чиқариб, йўқ қилдилар. 1943 йилда «Турон» кутубхонаси ўзининг шарқ тилларидаги 13 минг нусха ноёб адабиётларини янги ташкил бўлган Беруний номли Шарқшунослик институтига топширди (А.И. Кормилицин. «Библиотековеды и библиографы Узбекистана. Очерки и воспоминания». Тошкент, 2005. 128-129-бетлар).

Кутубхона шакллангандан бошлаб бу ерда атоқли жадидлар турли йиғилишлар ўтказиб туришди, янги ёзилган асарлар ва бастакорлар ҳам чақирилиб мусиқа ва қўшиқлар ҳам тингланарди. Кейин бу анъана жуда узоқ йиллар давом этди, кейинги авлодлар ҳам бу ишларнинг давомчилари бўлдилар. Машҳур олимлар, ёзувчилар, артистлар, жамоат арбоблари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб туриларди, шунингдек, катта анжуманлар, адабий кечалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти сиймоларининг таваллуд кунлари нишонланарди. Бу ерда И. Ҳусанхўжаев, Т. Содиқов, Ю. Шампурин сингари кутубхоначилик ишининг энг тажрибали мутахассислари фаолият кўрсатдилар ва кутубхонага янги келган ёшларга ўз тажрибаларини улашдилар.

1938 йилда «Турон»га Тошкент вилояти кутубхонаси мақоми берилди ва у бу минтақадаги 501 кутубхона учун тажриба улашадиган услуб маркази ҳамда илмий-тадқиқот муассасасига айланди.

XIX аср нашрлари ва XX аср бошларидаги газета-журналлар тахламлари, жаҳон адабиёти намуналари, энциклопедиялар (қомуслар) ва луғатлар, 370 минг китоб фондига ва 200 номдаги доимий даврий нашрларга эга бўлган «Турон» кутубхонаси Республикада биринчилардан бўлиб ишларни автоматлаштиришни бошлаб юборди. Кутубхона фондидаги ўзбекча 60 минг китобга электрон каталог тузилди. 1999 йилда «Миллий матбуот саҳифаларида» номли «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган асосий мақолалар библиографияси (1921-1926) нашр этилганди, унинг маълумотлари компьютер базасига олинди. Кутубхонанинг 8 компьютери бўлиб, компьютер тармоғи Интернетга ҳамда «Право», «Норма» номли ҳуқуқий базалар билан боғланди.

Кутубхоначилик ишининг билимдонлари ва жамоатчиликнинг фикрича, бу ишлар кутубхоначи-библиограф, бу соҳанинг, фаол адабиётимизнинг билимдони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Вазира Собирова номи билан боғлиқ.

Кутубхона директори Вазира опа Собирова билан гаплашиш жуда мароқли кечади. У шу қадар камтарин ва билимдон, майин ва тафаккури бой аёлки, сира суҳбатига тўймайсиз.

— Талабалик йилларимда, — дедим мен, — кўпинча шу ерга келардим. Жаҳон классиклари асарларини, чунончи, Генрих Гейне, Есенин шеъриятини, Тургеневнинг барча ҳикоя, қисса ва романларини, фондда мавжуд бўлган турк адабиётининг барча намуналарини, татар адабиётини шу ердан олиб ўқиганман. Келганимда ўқув залида ёзувчиларни кўп кўрардим.

— Ҳа, — дейди Вазира опа, — мен ишга келган биринчи кунимда Миркарим Осимни кўргандим. Доим келардилар. Назаримда, «Ўтрор», «Карвон йўлларида» қиссаларини шу ерда ёзгандеклар. Насафийни, Бартолдни кўп ўқиганлари ёдимда қолган.

— Кутубхонанинг номи менга жуда ёқади.

— Ҳаммамиз ҳам фахрланамиз «Турон» номи билан. Бирор ерга «Турон» номи билан ишга борсак, биласизми, «Сим-сим, оч эшигингни!» дейилгандек, эшиклар бизга кенг очилиб кетади. Чет элликлар ҳам кутубхонамиз номини эҳтиром билан тилга олишади... Буни қарангки, совет тузумига бу ном ҳам ёқмай қолган, 1928 йилда «Октябрь» деб ўзгартирилганди. Мустақиллик йилларида кутубхонанинг асл номини тиклашга муваффақ бўлдик.

— Ноёб адабиётларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Энг ноёблари сталинизм даврида йўқ қилинди. Жуда катта қисмини Шарқшунослик институтига ўтказганмиз. Аммо халқимизда «қатиқ тўкилса юқи қолар, айрон тўкилса неси қолар?» деган гап бор. Ҳар қалай кутубхонамиз айрон эмас, қатиқ экан, ҳалиям ноёб нарсаларимиз кўп. 20-30-йилларда араб ва лотин имлосида нашр этилган «Маориф ва ўқитғувчи», «Маориф ва маданият», «Муштум», «Қизил байроқ», «Камбағаллар товуши», «Қизил Ўзбекистон» каби қатор газета-журналлар тахламлари сақланади. Абдулла Қодирийнинг ҳажвий қаҳрамони Калвак махзум эсингиздами?

Вазира опа жавондан Қодирийнинг Кичик асарлар китобини олиб, Калвак махзумнинг «Турон»га кириб кутубхоначи билан қилган суҳбатини ўқий бошладилар:

«Қандай китобларингиз бор, фақир ҳам ўқусам жойиз, яъни имкони борми?» «Китоблар ҳисобсиз, тақсир, ҳар кимарса учун кутубхонамиз очиқ!» «Шарҳи виқоя»нгиз борми?» «Йўқ, тақсир». «Шарҳи Мулло Жомий?» «Йўқ». «Маслаки муттақийн?» «Йўқ». «Бас, сизда нима бор?» «Бизда ҳар бир китобдан бор». «Далойили хойрот?» «Йўқ». «Канзили Ҳусайин?» «Йўқ». «Нурномаи шариф?» «Йўқ». «Кимиёйи саодат?» «Йўқ».

Менимча, бу диалогда давр сиёсатининг ҳолати ўз ифодасини топган. Маълумки, у пайтларда бундай китобларни нашр этиш у ёқда турсин, ўқиш ҳам таъқиқ остида эди. Мустақиллик йилларимизда Қуръони каримнинг ҳам, Имом Бухорий ва Имом Термизий ҳадисларининг ҳам таржималари чиқди. Эндиликда Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Кимиёйи саодат»и ҳам, бошқа асарлари ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд китоблари ҳам, хуллас, Дин ишлари қўмитасининг рухсати билан чоп этилган барча китобларни оламиз. Техника университети талабалари ҳам, Ислом университети талабалари ҳам — барчалари истаган китобларини олиб, истаган рефератларини ёзишлари мумкин. Замонавий электрон китобларимиз, компьютерларимиз ҳам хизматнинг ҳамма турига ҳозирдирлар.

Яқинда ҳукуматимизнинг «Турон» кутубхонасини бошқа жойга кўчириш ҳақида қарори чиқди. Унга асосан «Шарқ» концернига тегишли газетлар корпуснинг биринчи бўлмаси «Турон» илмий-универсал кутубхонасини жойлаштириш учун берилди.

Ҳозирги кунда бизга сарой бўлиб хизмат қиладиган бу муаззам жой энг замонавий ашёлар, жавонлар, компьютерлар ва бошқа электрон буюмлар билан жиҳозланмоқда. Биз вақтинча Қоратошдаги Ўқувчилар саройидамиз. Ишимиз бир кун ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Фондимизни бойитиш учун китоблар сотиб олиш давом этмоқда. Учрашувлар, турли тадбирлар ўтиб турибди. Яқинда Зангиота тумани кутубхонасида китоб марафони ўтказдик. Унда бир қатор ёзувчилар Зангиота кутубхонасига ўз китобларидан совға қилишди.

«Турон» кутубхонаси яқинда янги саройда ишлай бошлайди.

**Миразиз АЪЗАМ,**
**болалар ёзувчиси**




Баҳромжон КАЛОНОВ чизган сурат

## Нашр




***Анча-мунча ижобий ислоҳотларни бошидан кечирган "Teatr" адабий-бадиий, ахборот-реклама журналининг 3-сони сотувга чиқарилди. У ҳар доимгидек юртимиз театри, драматургияси, машҳурлар ва машҳур асарлар тадқиқоти, саҳна ҳамда бошқа ҳаётнинг муҳим ва долзарб масалаларига бағишланган қизиқарли материаллари билан безанган. Журналда қадим-қадимда ота-боболаримиз тилидан тилига ўтиб, сайқал топиб келаётган халқ маросим қўшиқлари ва айни кездаги миллий циркимиз истиқболлари ёритилган мақолалар журналхонларни бефарқ қолдирмайди.***

***Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов нафаси билан "тирилган" "Teatr"нинг бу галги сони ҳам ўқувчиларни ҳайратга солмай қолмайди.***

***Қуйида анъанамизга содиқ қолган ҳолда журналнинг 3-сони саҳифаларидаги муаллифларнинг мақолаларидан қайноқ парчалар "узилди".***

# АВВАЛ ЎҚИНГ, КЕЙИН ГАПЛАШАМИЗ!

### КОМПОЗИТОР БЎЛИШ ОСОНМИ?

Ҳозир ҳамма "композитор". Ўқиган ҳам ўқимаган ҳам, безакчи ҳам, хонанда ҳам. Бунинг негизи битта нарса — пулга ўчлик, пулнинг қулига айланиб қолиш эмасми? Пул тўласангиз, бас, қўшиқ бир зумда тайёр бўлади. Ахир ўзбек санъати мусиқасининг истеъдодли намояндалари Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Сулаймон Юдаков, Манас Левиев, Мардон Насимов, Икром Акбаровлар томонидан яратилган ўлмас асарлар бир кунда яратилмаганини биз, шогирдлари яхши биламиз. Шунинг учун ҳам устозларнинг бу асарлари абадий яшайди, қалбларимизда акс-садо бераверади, тилдан дилларга, дилдан тилларга кўчаверади.

**Муҳаммаджон ОТАЖОНОВ**

### ФИТРАТНИНГ УМИД ГУЛЛАРИ

...Мазкур маълумотлар асосида айтиш мумкинки, Фитратнинг драматургик ижоди, шу кунга қадар қайд этиб келинганидек, 1916 йилда эмас, балки 1917 йилда бошланган. Мавжуд манбалар унинг "Мавлуди шариф", "Қон", "Ўғузхон" драмалари ҳам 1917-1918 йилларда ёзилган, дейишимизга асос беради.

Шундай қилиб, Фитрат 1917 йилдан 1927 йилга қадар бўлган даврда, яъни ўн йил мобайнида драматургия билан фаол шуғулланиш имконига эга бўлади.

**Наим КАРИМОВ**

### ҚИЁМАТ ҚАРЗИНИ УЗГАН АДИБ

Ўлмас Умарбеков ҳаётий воқеаларни синчиклаб кузатаркан, инсон тақдирида рўй берган кескин бурилиш нуқталарини кўра билади ва уларни ўз асарларининг асосий мавзуси қилиб танлайди. "Аризасига кўра" драмасида ана шундай фавкулодда ҳодиса қаламга олинган. Ном чиқарган бирлашманинг бош директори, ҳукумат аъзоси, ноиб, тадбиркор, ташкилотчи раҳбар Қудрат Ботирович ўз аризасига кўра ишдан бўшатилибди, деган хабар ҳаммани ўйлантириб қўяди. Қудрат Ботировнинг хотини Зуҳра Содиқовна, ўғли Шуҳрат, қизи Зумрад, унинг узоқ йиллик дўсти Шариф Раҳимов ва бошқалар ҳам ҳайрон...

**С.МИРВАЛИЕВ**

### ДАВР ВА ИНСОНЛАР ҚИСМАТИ ТАҲЛИЛИ

Ойбек ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осон томони шундаки, у ҳақида маълумотлар кўп, унинг асарлари болалигимиздан барчамизга таниш. Қолаверса, замондошлар тирик, уларнинг хотиралари ёрдамга келади. Бироқ Ойбек мураккаб тақдирли, ўта ақлли, авлиёнамо инсоннинг ички ўй-фикри, изтироблари, дард-ташвишлари акс этган бадиий қиёфасини яратиш осон эмас. Балки шунинг учундир Ойбек юбилейи муносабати билан у ҳақда кўплаб хотиралар, унинг ижод намуналари таҳлилига бағишланган қатор тадқиқотлар эълон қилингани ҳолда ушбу зотга бағишлаб яратилган бадиий асарлар сони кўп бўлмади.

**Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА**

### ШЕЪРЛАР. ЧИЛДИРМАМ

Бевафо ёр экан мен ўлмай туриб,
Ташлаб, ўзга ёрни айлади ҳамдам.
Сен эса содиқсан менга бир умр,
Чилдирмам, чилдирмам, менинг чилдирмам!

**Расул ҲАМЗАТОВ**

### ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЙ БИЛАН СУҲБАТ

— Айтдим-ку, менинг ўзим театрман! Бошқаларни овора қилиб нима қиламан? Якка ўзим икки-уч соатлаб мухлисларни ушлаб туришим мумкин. Бунинг учун репертуар нақадар кенг бўлиши кераклигини, қанча меҳнат, қанча сабр-тоқат талаб қилинишини тасаввур қила оласизми? Ҳозирча, "Бир актёр театри" бўлиб юрганим маъқул кўринади. Кейинчалик кўрамиз, балки "Ҳожибой театри"ни ҳам очиб юборсам ажаб эмас.

**Зоҳиджон ХОЛОВ**
**тайёрлади**

## Ҳажвия

# ОШҚОВОҚЛАР ГУЛЛАЙВЕРАДИ

Очиқ эътироф этиш керакки, кейинги вақтларда ҳикоя жанри адабиётимизда етакчи ўринларга чиқиб олди. Ваҳоланки, бундан йигирма-ўттиз йиллар аввал бу соҳа жуда оқсарди. Бунинг сабабларидан бири, профессор Болтаев таъкидлаганидек, ҳикоя ёзадиган қаламкашларнинг ўзи ҳали етилмаганди, улар ғўр эди. Ўша пайтларда чиққан битта-яримта ҳикояларда эса, долзарб масалалар кўтарилмасди. Ҳаёт жумбоқлари схематик тарзда ҳал қилинарди, характерлар психологиясидаги коллизиялар очилмасди, модерн етишмасди.

Эндиликда, адабиётшунос Тешаев таъкидлаганидек, ҳикоячилик, тўла ҳуқуқли ўз ўрнини топди, бу соҳанинг ўз усталари етишиб чиқди, дея баралла айта оламиз. Айниқса, ёшларнинг кейинги изланишлари бизни қувонтирди. Булар орасида Қалқон Талқон алоҳида ажралиб туради. Мен бу ижодкорни кўпдан бери кузатиб келаман. Қалқон Талқон адабиётга ўз овози, бошқаларникига ўхшамаган, умуман инсон овозига ўхшамаган қандайдир ғайри шуурий овоз билан кириб келди. Адабиётда ўхшамаслик истеъдоднинг бош мезонидир. (Таъкид — бизники. Х.Х.) Қалқон Талқон кейинги беш йилликлар ичида бор-йўғи икки ҳикоя эълон қилди. Бироқ шу икки асари биланоқ ўқувчилар қалбини забт этди. Бунинг сабаби нимада? Ёш ёзувчига катта шуҳрат келтирган "Ошқовоқ гуллаганда" ҳикоясини бир таҳлил қилиб чиқайлик. Зеро, бизнинг вазифамиз таҳлил қилиш, аниқлаш, ҳурматли олимимиз Кетмонов айтганларидек, адабиётда аниқлик қидиришдир. Зотан, адабий танқид эмас, балки адабий анқид (Анқид — аниқлик қидириш) дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз бугунги анқидимиз мавзусини "Ошқовоқ гуллаганда"га қаратишимиз бежиз эмас. Асарнинг бугунги кунимиз учун қиммати шундаки, ундаги воқеалар ошқовоқ гуллаган пайтда бўлиб ўтади. Асарнинг аҳамияти фақат мавзусининг долзарблиги билан чекланмайди. Муҳими шундаки, унда ёш ёзувчининг ўз концепцияси бор. Фақатгина бу эмас, таниқли Арраев эътироф этганларидек, ҳикояда композиция бор. Биз яна шуни қўшимча қилмоқчимизки, унда ситуация ҳам бор. Бу ўринда муаллиф устоз адиблар традициясини давом эттириб, ўз услуби билан концентрация қилгани алоҳида аҳамиятга моликдир.



Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ҳикоянинг айниқса, ёшларни тўлқинлантирган томони нимада? Асар "Сўлкавой анди — ошқовоқнинг банди", деган ниҳоятда аниқлик билан топилган эпиграф орқали бизни воқеалар гирдобига бошлаб киради. Ҳикоя қаҳрамони — саккизинчи синфни битирган Сўлкавой исмли ўспирин, ота-оналари вақтида пул бериб турмагани учун жанжаллашиб, уйидан чиқиб кетади. Кўп қийинчиликлар билан мактабгача тарбия билим юртига ўқишга киради. Шу ўринда, бундай билим юртларида қизлар ўқийди-ку, ҳақли эътироз туғилади. Адибнинг новаторлиги худди мана шунда намоён бўлади. Хўш, нега боғча тарбиячилари аёллардан бўлади-ю, эркаклардан бўлмайди? Эркакларимиз эндиликда тенг ҳуқуқлилик асосида аёлларимиз билан баб-баравар туриб тикувчилик-бичувчилик, кондукторлик, официантлик, турли соҳаларда сотувчилик қилишмоқда. Далага чиқиб кўринг: аёллар трактор ҳайдаяпти. Эркаклар табелчилик қиляпти. Нега энди тарбиячилик қилолмайди? Биз ҳаётга чуқурроқ кириб бормаймиз, атрофга разм солмаймиз, ёш адиб эса бизни ҳаёт қатламларига дадил етаклайди. Унинг қаҳрамонларидан бири — Сулув деган қиз трактор минади. Сўлкавой шу қизни севиб қолади. Бироқ жасур қиз: "Агар йигит бола боқишдан бўш кунлари менга қарашиб турмаса — тегмайман", дея туриб олади. Асосий конфликт мана шу ердан бошланади. Орага бригадир, жамоа раиси тушади, ниҳоят болалар ухлаган пайтда қизга кўмаклашиб туришга ваъда беради. Ҳикоя шу ерда тугайди. Икки ёшнинг тўйлари бўлдими-йўқми, ёзувчи буни айтмайди. Ёш носирнинг маҳорати шундаки, ҳукм чиқариб олишни ўқувчиларга ҳавола қилади.

Эллигинчи йилларда адабиётда конфликтсизлик назарияси ҳукм сурарди, образлар хира эди. Ҳозирги ёшларнинг асарларида характерлар кураши ёрқин акс этиб тургани қувончлидир. Қалқон Талқонни уларнинг бири десак, хато қилмаймиз. "Ошқовоқ гуллаганда"нинг тасвир меъёри бироз бузилганини таъкидлаган ҳолда, адабиётшунос Ўроқовнинг шу ҳақдаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки муаллиф тасвирда ҳикоянинг табиатидан, интуициясидан келиб чиқади.

Кейинги пайтда айрим танқидчи ўртоқларимиз ёш ва "ёт" ижодкорларни дўппослашни ўрганиб олишди. (Бу ерда "ёт" сўзини танқидчига нотаниш деган маънода тушуниш керак). Ва аксинча, эндигина бир-икки асарини эълон қилган ёшларни ўринсиз мақтаб, ҳайбаракаллачилик қилинди, заиф асарлари кўкларга кўтарилди. Мана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Қалқон Талқон ҳикоясининг ютуқларини инкор этмаган ҳолда, камчиликларни ҳам рўй-рост айтмоқчиман. Унинг асарларидаги асосий нуқсон шундаки, ҳикоя қаҳрамони айрим жойларда заминдан узилиб қолгандай, бир оёғини ердан кўтариб тургандай таассурот қолдиради. Ваҳоланки, ижтимоий заминдан "раз" узилдими, икки оёғини даст кўтариб туриши керак. Асарнинг иккинчи муҳим камчилиги — сарлавҳада. "Ошқовоқ гуллаганда" сарлавҳасида оптимистик руҳ сезилмайди. Бизнингча, "Ошқовоқлар гуллайверади" дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ўйлаймизки, бу аччиқ гапларимиз Қалқон Талқондек иқтидорли қаламкашнинг изланишларига путур етказмайди, унинг эгаллаб турган масъул лавозимига соя ташламайди.

**Абдуғани АБДУВАЛИЕВ**

O'zingni anglab yet! HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 957
Т: 3204
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.